

Озодликдан Маҳрум Қилиш Тарзидаги Жазо Ижросини Криминологик Дифференциаллаш Тушунчаси

Шухрат Холматович Абдушукуров
Ўзбекистон Республикаси ИИВ таянч докторанти

Аннотация: Мақолада маҳкумларнинг турли тоифалари маҳкумлар учун содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, маҳкум шахсига, шунингдек, жазони ўташ вақтидаги хулқ-атвориға қараб белгиланган жазолаш таъсири чегараларини белгилаш асослаб берилган.

Калит сўзлар: криминологик дифференциаллаш, индивидуаллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ижроси, жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо.

Ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилиб, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган. Бу борада криминология, жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш алоҳида муҳим роль ўйнайди, чунки айнан у фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклашнинг қонуний усулларини аниқ белгилаб беради. Бу чеклашлар асоссиз ҳам, ўзбошимчалиқ ҳам бўлмаслиги муҳимдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 8-моддасида “жिनот содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос келиши” лозимлигини билдирувчи одиллик принципи мустаҳкамланган. Адолатсиз жазо инсонни шафқатсизлаштиради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончсизликни кучайтиради ва унда қонунга ҳурматсизликни келтириб чиқаради, бу эса охир-оқибат ахлоқан тузатишга салбий таъсир қилади. Адолатни таъминлаш учун жазо ҳажми муайян ҳолатларга мувофиқ ўзгариши керак. Шу муносабат билан жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқида жазони дифференциациялаш принципи адолатни таъминлашнинг ажралмас шарти сифатида фаол қўлланилади.

Жазога нисбатан унинг дифференциацияси ва индивидуаллаштируви криминология ва жиноят ҳуқуқи манбаларида ноаниқ, мавҳум тарзда ёритилган. Шунини таъкидлаш керакки, бу борадаги масалалар нисбатан яқинда ўрганила бошланди. Кўриниб турибдики, кўриб чиқиладиган тушунчаларни аниқроқ фарқлаш учун жиноий жавобгарликни дифференциация ва индивидуаллаштириш билан жазо дифференциацияси ва индивидуал-лаштирилишини фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу атамалар ("жिनот жавобгарлик" ва "жिनот жазо") кўпинча бир-бирининг ўрнида ишлатилади, бу ажабланошли эмас, чунки уларнинг мазмуни ҳақиқатан ҳам жиноят содир этган шахслар билан жиноий-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян томонларини турли даражада акс эттиради. Бироқ, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилигида улар бошқа-бошқа ва мустақил маънога эга.

Жиноят ҳуқуқиға тегишли манбаларда ушбу атамаларнинг мазмунини фарқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан, адабиётларда энг кўп учрайдиган таърифларға эътибор қаратайлик.

Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик деганда қуйидагиларни: жиноий жазони, шунингдек, санкцияларни қўллашни [1]; жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чорасини; муайян маҳрумлик ва чекловларни реал тажрибасини; бундай мажбурий чекловларни амалга оширишни[2]; жиноят содир этган шахснинг қилмиши тўғрисида ҳисобот беришни, жиноят-таъсир чоралар кўришни, шахсий ёки мулкый тусдан маҳрумликларни, жазога тортилиш мажбуриятини [3] тушуниш таклиф этилади. Айрим муаллифлар жиноий жавобгарликни жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқий ҳолати орқали белгилайдилар; у жиноий-ҳуқуқий муносабатлар билан бирлаштирилади ёки жиноят-ҳуқуқий, процессуал ва ижроия муносабатлари мажмуи[4], жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий чоралар[5] орқали белгиланади.

Бу олимларнинг илмий қарашларига шубҳа остига олмай, энг мақбул, яъни "шахснинг жиноий жавобгарлиги суд томонидан тайинланган жазони ўташ орқали амалга оширилиши" ҳақидаги қараш А.А.Пионтиковскийга тегишли эканлигини эътироф этамиз[6]. Ҳақиқатдан ҳам, жазо жиноий жавобгарликни амалга ошириш ва англаш шаклларида бири ҳисобланади. В.К. Дуюнов ҳам бу фикрга қўшилади[7]. Шунинг учун, агар жазони ижро этиш уни амалга ошириш тартиби бўладиган бўлса, демак ишонамизки, жавобгарлик дифференциацияси, жазолар дифференциацияси ва жазолар ижросини дифференциаллаштириш моҳиятан ўхшаш тушунчалардир, лекин тартибга солиш доирасидаги тафовутлар туфайли мазмунан фарқ қилади. Биринчиси жазони тайинлаш босқичига, иккинчиси эса ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган унинг ижросига тааллуқлидир.

Дастлабки тушунчалар ҳақида тўғри қарор қабул қилгандан сўнг, жазони ижро этишнинг дифференциациясини бевосита кўриб чиқишга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳуқуқ фанида бу ҳодиса икки хил талқин қилинади. Ўтган асрнинг охирига оқибат олимлар бу жараён ҳуқуқни қўллаш соҳасига тааллуқли бўлиб, тегишли субъектларни ўз ичига олади, деб ҳисоблашган. Шу тариқа, В.А.Фефелов буни "шахснинг ҳуқуқий ва ижтимоий-педагогик хусусиятларига қараб ҳар хил тоифадаги маҳкумларнинг алоҳида, ажратилган ҳолда сақлаш" деб таърифлайди[8]. Бироқ, бизнинг фикримизча, бундай мулоҳаза тўлиқ эмас, чунки дифференциация фақат алоҳидалаш билан чегараланмайди, ҳатто акси ҳам бўлади.

Е.В.Струговада нисбатан бироз бошқача ёндашув мавжуд бўлиб, у жазони ижро этиш дифференциациясини "маҳкумларнинг муайян (тасниф-ланган) тоифаларига нисбатан жазолаш ва ахлоқ тузатиш таъсирини қонунга асосланган тарзда амалга ошириш» эканлигини таъкидлайди[9].

Жазони ижро этишда табақаланишнинг моҳиятини ўрганаётганда, нимани фарқлаш кераклиги ҳақида жуда муҳим савол туғилиши керак. Худди шу нарса жазони ижро этишни индивидуаллаштиришга ҳам тегишли. Юқоридаги айрим олимларнинг фикрларини таҳлил қилар эканмиз, улар дифференциациялашда ҳам жазолаш ва тузатиш таъсирларини кўришлари аниқланади. Худди шундай нуқтаи назарга А.А.Телегин ҳам эга бўлиб, у жазони ижро этишдаги дифференциация тамойили уни ижро этиш тартиби- шартларини, шунингдек, ахлоқ тузатиш таъсирининг моҳияти ва ҳажмини қамраб олишини таъкидлайди[10]. Жазони ижро этишни индивидуаллаштириш билан боғлиқ ҳолда, А.А.Лубеницкийнинг нуқтаи назарини қайд этиш мумкин, у: дифференциация жазолаш ҳамда тарбиявий таъсирларни индиви-дуаллаштиришни кўзда тутди, яъни ҳам жазолаш ҳажми, ҳам ахлоқ тузатиш ҳажмини индивидуаллаштиришни назарда тутди, деб ёзади[11]. Ушбу муаллифлар жазони ижро этиш жараёнига дифференциация ва индивидуал-лаштиришга боғлиқ бўлган жазо ва тарбиявий таъсирни бир-биридан ажралмас тарзда ва биргаликда амалга оширилишини киритади. Айни пайтда, қўйилган саволни ҳал қилишнинг яна бир ёндашуви мавжуд. Бу шундан иборатки, гарчи жазолаш ва тузатиш чоралари ягона жазо-тарбия жараёнини ташкил этса ҳам, чунки улар бир-биридан ажратилган ҳолда жиноий жазо мақсадларига эриша олмайди, кўпгина асосларга кўра ҳали уларни бир-биридан ажратиб туриши керак. Бундан

ташқари, жазони ижро этиш, бу энг аввало, жазолашнинг таъсирини ҳақиқатда амалга ошириш ҳисобланади. Масалан, Н.А.Стручков ва В.Н.Бризгалов "агар жазо бу жазолашдан иборат бўлса, унда ахлоқий тузатиш таъсири – бу тушунча тўғридан-тўғри маънода тарбиявий тадбирлар мажмуидир» деб таъкидлайдилар. Шу ерда, А.Л.Ременсон жазо ижросини индивидуаллаштиришни жазо чоралари кўламини ўзгариши сифатида тақдим этди[12].

Ушбу позиция И.В.Шмаров ҳамда М.П.Мелентьевлар томонидан жуда аниқ шакллантирилган, уларнинг таъкидлашича, "...жазонинг жазолаш дифференциацияси билан ва ахлоқ тузатиш таъсири дифференциациясини аниқ фарқлай билиш керак. Жазолаш дифференциацияси маҳкумларнинг умумий таснифланиши билан белгиланадиган қатъий чекланган қонун нормалари доирасида амалга оширилади. Ахлоқ тузатиш таъсирини дифференциациялаш қонун билан тартибга солинмайди, у янада мослашувчан бўлиб, нафақат турли турдаги жазони ўташ муассасаларида, балки бир турдаги режим доирасида ҳам маҳкумларнинг турли тоифаларига қараб амалга оширилади". Муаллифларнинг бир муассасада жазонинг дифференциация-ланиши йўқлиги ҳақидаги мулоҳазалари шубҳали кўринишига қарамай, асослаш мантиғи тўғри ифодаланади. Ҳақиқатан ҳам, жазолаш таъсири ҳажмининг ўзгариши ҳуқуқий нормалар, масалан, маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартириш институти билан тартибга солинади. Ахлоқ тузатиш таъсири учун ҳуқуқий тартибга солиш чегараларини белгилаб бўлмайди. Бундай ҳолда, тескари вазият юзага келади, яъни тақиқланмаган ҳамма нарсадан фойдаланиш мумкин. Бу ерда, масалан, маҳкумларга таъсир кўрсатишнинг психологик ва педагогик техника ва методикаларнинг бутун арсеналини қамраб олиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз кўриб чиқиладиган тушунчаларнинг тақлиф қилинган бўлинишини жуда асосли деб ҳисоблаймиз.

Бошқа бир олим А.М.Носенко жиноий-ҳуқуқий тоифалардан бошлаб муаммони анча кенгрок кўради. Ушбу муносабат билан у мустақил тушунчалар сифатида куйидаги тушунчаларни белгилайди: жиноий жавоб-гарликни индивидуаллаштириш; жазони индивидуаллаштириш; жазони ижро этишни индивидуаллаштириш; ахлоқ тузатиш ҳаракатларини индивидуаллаштириш[13]. Жазони ижро этиш ва ахлоқ тузатиш чораларини кўллашни бир-биридан ажратиш (дифференциациялаш)дан иборат бўлган бу ёндашув бизга энг муваффақиятли кўринмоқда. Шунинг учун мавжуд баҳсда қатнашиб, куйидаги фикрларни билдириш ўринли деб ўйлаймиз. Умумий қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, жазонинг моҳияти жазолашдан иборатдир. Бундан келиб чиқадики, жазони ижро этиш жазолашни амалга оширишдан бошқа нарса эмас. Бу, аввало, қонунни бузганлик учун маҳкумга нисбатан қўлланиладиган репрессиядир. У содир этилган жиноят учун интиқом сифатида кўрилган муайян маҳрумликларга чидаши керак. Албатта, улар кўрқитувчи характерга эга. Ахлоқ тузатиш чоралари эса, ҳеч қандай ҳолатда умуман кўрқитолмайди. Улар жиноятчини маънан тузатишга ва қонунга бўйсунувчи шахсни жамиятга қайтаришга яратилган. Албатта, жазо чоралари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга, аммо бу кўриб чиқиладиган жараёнларни аниқлашга асос бермайди. Албатта, жазолаш таъсири тарбиявий аҳамиятга ҳам эга, бироқ у кўриб чиқиладиган жараёнларни тенглаштириш учун асос бўлолмайди.

Қонунчиликда жазонинг ахлоқни тузатиш таъсири билан бирлаштириш принципини чуқур ўрганган олима Е.А.Сизая «Жиноий жазонинг жазолаш элементлари билан ахлоқ тузатиш таъсири элементлари алоҳида мустақил ҳуқуқ категориялари, лекин бир-бири билан узвий боғлиқдир. Улар жазони ижро этувчи муассаса ва органларнинг фаолияти жараёнида маҳкумга ягона жазо ва тарбиявий таъсир кўрсатишдагина бирлашади» [14], деб ёзади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, кўриб чиқиладиган тушунчалар мустақил жараёнлар, деган хулосага келишимиз, ва шунинг учун жазони ижро этишнинг дифференциацияси (табақалаш) ва индивидуаллаштиришни, жазо кўламини ўзгартирувчи ахлоқ тузатиш таъсири дифференциацияси ва индивидуаллаш-тиришни фарқлай билиш керак. Кейинги тадқиқотимизни айнан шу нуқтаи назардан олиб борамиз.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, жазони ижро этишни **дифференциацияси** деганда, қонун ҳужжатларида маҳкумларнинг турли тоифалари маҳкумлар учун содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражасига, маҳкум шахсига, шунингдек, жазони ўташ вақтидаги хулқ-атвориغا қараб белгиланган жазолаш таъсири чегараларини белгилашни тушуниш керак.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Шаргородский М.Д. Детерминизм и ответственность // Правоведение. - 2008. - №1. - С. 46; Лейст О.Э. Санкции и ответственность по современному праву. М., 2001
2. Келина С.Г. Теоретические вопросы освобождения от уголовной ответственности. - М., 2004. - С. 26-27. Огурцов Н.А. Правоотношение и ответственность в уголовном праве. - Рязань, 2006. - С. 153-180. Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. - М., 2009. - С. 262.
3. Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в современном уголовном праве. - М., 2003. - С. 25-26. Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. - Л., 2008. - С. 25, 28-30. Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. - М., 2004. - С. 21; Тарбагаев А.Н. Понятие и цели уголовной ответственности. Красноярск, 2006. С. 64-65; Пионтковский А.А. О понятии уголовной ответственности // Сов. государство и право. - 2007. - № 12. - С. 40; Курс уголовного права. - Т. 1. - Л., 2008. - С. 222; Явич Л.С. Общая теория права. - Л., 2006. - С.
4. Дагель П.С. О принципе индивидуализации уголовной ответственности // Вести. Ленингр. ун-та. - 2004. - № 11. - С. 121; Общая теория государства и права / Под ред. В.С. Петрова и Л.С. Явича: В 2 т. - Т. 2. - Л., 2004. - С. 396; Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. - Л., 2002. - С. 12
5. Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. - М., 1999. - С. 262
6. Пионтковский А.А. Уголовная ответственность и наказание / Курс уголовного права. Часть общая: Наказание. М., 1990. С. 12.
7. Қаранг: Дуюнов В.К. Комментарий к ст. 43 / В книге: Комментарий к Уголовному кодексу РФ: постатейный / Отв. ред. Л.Л. Кругликов. М., 2005. С. 97
8. Фелелов В.А. Социально-правовые основы, уголовно-исполнительной цивилизации учреждений, исполняющих уголовное наказание в виде лишения свободы. Рязань, 1992, С. 38.
9. Стругова Е.В. Дифференциация и индивидуализация исполнения наказания в виде лишения свободы в отношении осужденных женщин: Дис.... канд. юрид. наук. Рязань. 2005.С. 29.
10. Телегин А.А. Правовые и организационные основы дифференциации лиц, содержащихся в местах лишения свободы, в период 1917-1953 годы: Автореф. дне. ... канд. юрид. наук. М., 2007. С. 20.
11. Лубеницкий А.А. Значение классификации осужденных к лишению свободы и ее влияние на индивидуализацию наказания // Специфика правового регулирования в период становления рыночных социально-экономических отношений. Омск, 2006. С. 157.
12. Стручков Н.А., Брызгалов В.Н. Классификация осужденных к лишению свободы и определение им вида исправительно-трудовой колонии. Киев, 2007. С. 8. Ременсон А.Л. Теоретические вопросы исполнения лишения свободы и перевоспитания заключенных: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Томск, 2005. С. 30.
13. Носенко А.М. Методика использования материалов изучения личности заключенного и причин совершенного им преступления для индивидуализации процесса перевоспитания

// О причинах повторной преступности и мерах, принимаемых органами МООП УССР по ее искоренению. Киев, 2005. С. 340

14. Сизая Е.А. Принцип соединения наказания с исправительным воздействием//Закон и право. 2007. №8. С.41.